



Шофеъий мазҳабида қўлларни киндикдан юқори қўйиш, Моликий мазҳабида уларни боғламаслик жорий бўлган. Бунга уларнинг ҳам ўзларига яраша далиллари бор. Ушбу хилма-хиллик намозга путур етказмайди, балки бир неча ҳолда ҳам ўқиш мумкинлиги баъзи ҳолларда осонлик яратади.

Шу билан бирга, у ёки бу ривоятни қабул қилишда имомларнинг яшаб турган шароитлари ва шунга ўхшаш бошқа омиллар ҳам эътиборга олинган бўлиши мумкин.

Мисол учун, Ҳанафий уламолар намозда қўлни боғлаб, киндик остига қўйиш ҳақидаги ривоятни қабул қилганлари ҳикматини «Катта кишилар олдида туриш одоби шу. Намозда эса Аллоҳнинг ҳузурини турилади. Модомики, банданинг олдида шундай турилгандан кейин, Аллоҳнинг ҳузурини одоб билан туриш жуда ҳам зарур», дейдилар.

Уламоларимиз «Қўлни боғлаш ҳақидаги ҳадислар Моликий мазҳаби имомларига етиб бормаган ёки уларнинг шартларига тўғри келиб, саҳиҳ бўлмаган бўлса керак», дейдилар.

Моликий мазҳаби уламолари эса «Мусулмон одам жон таслим қилганда уни икки қўлини ёнига қилиб, тобутга солиб, Аллоҳнинг ҳузурини олиб борилади. Намоз ҳам Аллоҳга жон таслим қилишнинг бир туридир. Шунинг учун қўлини ёнига қилиб, ўзини бутунлай Аллоҳга топшириб туриш керак», дейдилар.

***«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.***